

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

НАЗАРОВА НАВБАХОР НАРЗУЛЛОЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА БАЗАЛЪТ ТАРКИБЛИ
ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулodда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги ихтисослиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Назарова Навбахор Нарзуллоевна

Маҳаллий хом ашёлар асосида базальт таркибли қурилиш
материалларининг оловбардошлигини ошириш технологияларини
такомиллаштириш..... 5

Назарова Навбахор Нарзуллоевна

Совершенствование технологий повышения огнестойкости
базальтосодержащих строительных материалов на основе
местного сырья..... 21

Nazarova Navbakhor Narzulloevna

Improvement of technologies for increasing the fire resistance of
basalt-containing building materials based on local raw
materials..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

НАЗАРОВА НАВБАХОР НАРЗУЛЛОЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА БАЗАЛЪТ ТАРКИБЛИ
ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги ихтисослиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/T2165 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-
саҳифасида (www.fvvakademiya.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанбаев Шухрат Эргашевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуркулов Файзулла Нурмунинович
техника фанлари доктори, профессор

Собиров Эркабой Эркинбаевич
техника фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Phd.40/30.12.2020.т.129.01 рақамли илмий
кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
100102, Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 258-35-33;
E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси
Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:
100102, Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 258-35-33).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор

Х.М.Дўсматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, кимё фанлари номзоди, доцент

Р.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда мураккаб инновацион ечимга эга бўлган, хавфсиз бино ва иншоотлар қурилишида янги турдаги композит қурилиш материалларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё бўйича йилига ўртача 7-8 миллионта ёнғин содир бўлиб, ёнғинлар оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони эса 85-90 минг кишини ташкил этиши ва иқтисодий зарар ҳажмининг 90 млрд. АҚШ долларидан ошиши¹» барпо этилаётган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини янада оширишда, хусусан аҳоли турар жойларида оловбардош қурилиш материалларидан унумли фойдаланишни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан юқори даражали мустаҳкам, инсон саломатлиги ва атроф муҳитга безарар, нисбатан енгил, ёнғинга хавфсиз бўлган янги турдаги композит қурилиш материалларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда янги замонавий композит қурилиш материаллари асосида бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, хавфсизлиги ҳамда ишончлилигини таъминлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, базальт ва шиша толали композит материаллар асосида бино ва иншоотлар конструкцияларини кучайтириш, мустаҳкамлиги ва ишончлилигини ошириш муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда базальт композит материалларнинг хоссаларини ўрганиш, улар асосидаги конструкцияларнинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш, моделлаштириш, мустаҳкамлиги, дарзбардошлилиги, бикрлиги, оловбардошлилигини ошириш йўналишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда қурилиш саноатида энергиятежамкор ва ресурстежамкор технологиялардан унумли фойдаланиш, маҳаллий хомашёлар асосидаги янги инновацион қурилиш материалларини тадбиқ этиш, конструкцияларни енгиллаштириш, бино ва иншоотларни ишончлилигини таъминлаш бўйича янги конструктив ечимларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан «... қурилиш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий инфраконструкцияларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш,»², 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, маҳаллий хомашё бўлган базальт

¹ <https://ctif.org/world-fire-statistics>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7- февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

таркибли қурилиш материалларининг оловбардошлилигини ошириш, термик ва физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш, базальт композит материалларнинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони, 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сонли, 2017 йил 8 августдаги «Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Композит асосидаги қурилиш материалларининг мустаҳкамлик, кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати ва оловбардошлилигини тадқиқ қилиш муаммолари билан жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан, К.У. Алиев, А.В. Васильченко, Ю.М. Вильдавский, Д.Д. Джигирис, Ю.О. Кустикова, Р.М. Курбанов, К.В. Михайлов, А.Дж. Рахмонов, Е.В. Степанова, К.А. Сарайкина, Н.П. Фролов, Р.А. Халикова, L. Bank, V.B. Brik, R. Fico ва бошқалар шуғулланиб, ушбу тадқиқотлар йўналишида салмоқли илмий ишларни бажарганлар ва муайян даражада илмий натижаларга эришганлар.

Юртимиз олимлари К.С. Абдурашидов, А.И. Адилходжаев, Х.А. Акрамов, Б.А. Асқаров, П.Т. Мирзаев, С.А. Нишанходжаев, Б.Т. Ибрагимов, Ш.Э. Курбанбаев, С.С. Шаумаров, А.А. Ашрапов, С.Р. Раззақов, А.А. Ходжаев, В.Ф. Усмонов, С.А. Холмирзаев, Ш.Умаров ва бошқалар композит арматураланган эгилувчи тўсинларнинг мустаҳкамлик, бикрлик, ёриқбардошлилиги ва термик бардошлилигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим назарий ва амалий натижаларга эришганлар.

Ушбу аксариат олимларнинг илмий изланишлари натижаларидан фойдаланилган ҳолда, композит полимер арматураларни бетон конструкцияларда қўлланилаши бўйича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги томонидан ШНҚ 2.03.14-18 «Композит полимер арматурали бетон конструкциялар» номли меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган ва қурилишга жорий этилган.

Республикамиз олимлари томонидан асосан, композит полимер арматурани бетон конструкцияларда қўллаш бўйича физик - механик хоссалари кенг тадқиқ этилган бўлиб, ёнғин-техник хоссаларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарблигича қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хомашёлар асосида қийин ёнувчан, иссиқдан сақловчи таркиблар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий минерал хомашёлар асосида базальт композит материалларнинг оловбардошлилигини ошириш орқали бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Маҳаллий минерал хом ашёлар микрокремнезём, юқори дисперсли кремний (IV) оксиди заррачалари, графит, вермикулит ва волластонит минералларининг оптимал ўлчамли фракцияларини олиш ва улар асосида базальт композит материалларнинг оловбардошлилигини оширувчи таркибларни ишлаб чиқиш;

базальт композит материалларнинг термик, теплофизик ва физик-механик хоссаларига юқори дисперсли минераллар заррачали таркибларнинг таъсир механизмларини тадқиқ этиш;

юқори дисперсли минерал хомашёлар билан оловбардош базальт композит материалларни олиш учун модификациялашнинг оптимал шароитларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

янги модификацияланган базальт композит материалларнинг асосий ёнғин-техник ва физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш ва уларнинг оптимал таркибларни ишлаб чиқиш;

янги модификацияланган базальт композит арматураларнинг бетон аралашмали материалларнинг структураси, физик-механик ва термик хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хомашёлар микрокремнезём, юқори дисперсли кремний (IV) оксиди, графит, вермикулит ва волластонит минерали ҳамда базальт тола ва эпоксид смола асосида олинган композит материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, микрокремнезём, юқори дисперсли кремний (IV) оксиди, аэросиль-380, графит, вермикулит ва волластонит минераллари асосида олинган янги таркиблар билан базальт тола ва эпоксид смолали композицияларнинг термик ва физик-механик хоссаларига таъсир қилиш механизмларини ўрганиш ҳамда базальт композит материалларнинг ёнғин-техник кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида базальт композит материалларнинг термик, физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш, дифференциал-термик анализ усули, ёнғин-техник хоссаларини тадқиқ қилиш ва оловбардош хусусиятларини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аэросиль-380, микрокремнезём, кремний (IV) оксиди, графит, вермикулит ва волластонит минераллари асосида базальт тола ва эпоксид смола асосидаги композит материалларнинг термик ва физик-механик бардошлилигини оширувчи хоссаларга эга янги таркиблар ишлаб чиқилган;

янги ишлаб чиқилган таркиблар асосий компонентларининг базальт композит материалларининг термик ва физик-механик хоссаларига таъсир механизмларини ўрганиш орқали янги модификацияланган базальт композит арматураларнинг ушбу кўрсаткичлар бўйича оптимал қийматларга эга бўлиш шароитлари аниқланган;

аэросиль-380, микрокремнезём, кремний (IV) оксиди, вермикулит ва волластонит минераллари асосидаги юқори термик бардошли янги таркиблар билан базальт тола ва эпоксид смолали аралашма асосидаги композит материалларни ички ва ташқи модификациялаш орқали уларнинг оловбардошлилигини ошириш хусусиятлари аниқланган;

янги ишлаб чиқилган оловбардош базальт композит арматуралар ташқи юзаларининг игнасимон структурага эга волластонит минераллари ҳамда вермикулит заррачаларининг ғовақдор структуралари ҳисобига бетон қоришмаси билан тишлашиш даражасини оширилиши эвазига, маҳаллий минералларнинг юқори дисперсли заррачалари асосида ёнғинга хавфсиз базальт композит арматураларни ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: микрокремнезём, кремний (IV) оксиди, графит, вермикулит ва волластонит минераллари асосидаги юқори дисперсли заррачали таркиблар билан модификациялаш орқали базальт композит материалларнинг оловбардошлиги ва физик-механик хоссалари яхшиланган;

янги модификацияланган оловбардош базальт композит арматураларнинг бетон қоришмаси билан тишлашиш даражасини ошириш ҳисобига, ушбу янги таркибли базальт композит арматура асосида олинган бетон материалларининг термик бардошлилиги ҳамда физик-механик жиҳатдан мустаҳкамлигини оширилишига эришилган;

ШНК 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» меъёрий ҳужжати талабларига кўра, базальт композит арматураларни асосан кучли алангаланиш (А3) гуруҳидан мўтадил аланганланиш (А2) ва қийин алангаланувчан (А1) гуруҳларга ўтказиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда, ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида олинган оловбардош базальт композит материаллар синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – кремний (IV) оксиди, микрокремнезём, аэросиль-380, графит, вермикулит ва волластонит

минераллари билан эпоксид смола аралашмали материалларнинг термик ва физик-механик хоссалари тадқиқ этилганлиги, шунингдек, олинган ижобий натижалар оловбардош қурилиш материалларнинг назарияси ва амалиётини ривожлантириш учун муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади. Шунингдек, ёнғинга хавфсиз композит материаллар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари такомиллаштирилганлиги, олинган композит материалларни термик ва ёнғин-техник кўрсаткичлари яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – маҳаллий хомашёлар асосидаги базальт композит материалларини оловбардошлилигини ошириш технологиялари яратилганлиги, биноларда содир бўлган ёнғинлар ривожланиши ва тез тарқалишига йўл қўймаслик, ёнғиннинг дастлабки босқичини чеклашга асосий омил бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, олинган базальт композит материалларни ёнғинга хавфсиз иқтисодий самарадор қурилиш материаллари сифатида амалиётга жорий этишга имкон берувчи усулларнинг яратилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида базальт таркибли қурилиш материалларининг оловбардошлилигини ошириш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

“Бинолар, иншоотлар ва уларнинг фавқулодда вазиятларда бардошлилиги”, “Қурилиш материаллари бинолар, иншоотлар ва уларнинг ёнғин хавфсизлиги” фанларининг маъруза ва амалий машғулотларини илмий тадқиқот натижалари бўйича (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг 2022 йил 18 августдаги “Илмий тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига қабул қилинганлиги тўғрисида”ги 2-сонли далолатномаси) ўтказишга қабул қилинган.

Янги таркиблар билан модификацияланган базальт композит арматура ва янги олинган базальт панел материалининг оловбардошлилигини ошириш технологияларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2022 йил 18 августдаги 05/15-2055 сонли маълумотномаси). Натижада янги таркиблар билан модификацияланган базальт таркибли қурилиш материалларининг термик бардошлилиги 10-15%га, мустаҳкамлиги 8-10%га, термик ва очиқ олов таъсирида деформацияланишга учраш вақти 7-15%га яхшиланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, улардан 1 та хорижий илмий журнал ва 8 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда,

7 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертация ҳажмининг тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Композит қурилиш материаллари ва уларнинг ёнғин-техник хоссалари бўйича тадқиқотлар”** номли биринчи бобида замонавий композит қурилиш материаллари тўғрисида умумий маълумотлар, ёнғинга қарши меъёрлар талаблари келтирилган. Республикамизда бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган базальт композит материаллар, уларнинг қўлланилиш соҳалари ва термик бардошлилиги таҳлил қилинган. Илмий техник адабиётларда тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишларнинг аналитик шарҳи изоҳланган. Композит арматураларнинг физик-механик хусусиятлари ва меъёрлаш борасида Германия, Хитой, Италия, АҚШ, Канада, Россия каби хорижий мамлакатларда кенг миқёсда олиб борилаётган экспериментал тадқиқотлар таҳлили ўрганилган ва атрофлича манбалар тўпланган.

Диссертациянинг **“Модификацияланган базальт композит материалларни олиш ва уларнинг термик хоссаларини тадқиқ қилиш”** номли иккинчи бобида маҳаллий хомашёлар, кремний (IV) оксиди, микрокремнезём, графит, волластонит ва вермикулит минераллари ҳамда аэросиль-380 нанозаррачаларидан фойдаланилган ҳолда, янги юқори дисперсли минераллардан иборат таркибларни олиш ва олинган таркиблар билан базальт композит материалларни модификациялаш орқали уларнинг ёнғин-техник, термик ва бетон қоришмаси билан тишлашиш хоссаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бунинг учун дастлаб базальт композит арматураларни модификациялаш учун асосий компонентлар, кремний (IV) оксиди, волластонит, вермикулит минералларининг турли хил майдаликдаги фракциялари тайёрланди. Ўтказилган тажрибалар асосида модификацияловчи сифатида танлаб олинган минералларнинг дисперс заррачалари ўлчамлари оптимал қийматлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Дисперс фракцияларга ажратилган компонентларнинг оптимал қийматлари

Компонентлар	Фракция, мкм		
	2,5-5,0*10 ⁻⁴	1,6-2,5*10 ⁻⁴	≤ 1,6*10 ⁻⁴
Кремний (IV) оксиди	-	-	+
Микрокремнезём	+	-	-
Волластонит минерали	-	+	+
Вермикулит	+	-	-
Графит	-	+	-

Тажирибалар давомида дисперс фракцияларга ажратилган (1-жадвал) кремний (IV) оксиди, микрокремнезём, волластонит, вермикулит ва графит минераллари ҳамда аэросиль-380 нанозаррачалари асосида базальт композит арматурани модификациялашда ҳамда янги таркибли базальт мато асосида оловбардош панел материалларни олишда фойдаланиш учун таркиблар ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тажирибалар лаборатория синовлари натижалари асосида, базальт композит материалларни модификациялашда фойдаланиш учун янги таркибларни олишнинг технологик босқичлари ишлаб чиқилди.

2-жадвал

Оловбардош базальт композит арматурани олиш учун танлаб олинган таркиб микдорий нисбатларнинг оптимал қийматлари (% ҳисобида)

т/р	Эпоксид смола аралашмаси	Модификациялаш учун танлаб олинган таркиб
1.	90	10
2.	95	5
3.	97	3
4.	98	2
5.	99	1
6.	99.5	0.5
7.	99.1	0.1


Тадқиқотлар давомида янги олинган таркиблар билан базальт композит арматураларга ҳар хил усулларда ишлов бериш (модификациялаш) ва бунинг натижасида уларнинг термик бардошлилиги қанчалик ўзгарганлигини аниқлаш бўйича синовлар амалга оширилди. Бунда базальт композит арматураларга ишлов бериш ва модификациялаш учун қуйидаги усуллар ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилди:

Ташқи ишлов бериш (ТИБ) усулида бевосита базальт композит арматураларни олиниш жараёнида яъни арматуранинг асосий қисми шакллантирилиб, эпоксид смолали аралашма орқали ўтказилиб, қуришти печига юборилишидан олдин, унинг юзасига олдиндан тайёрлаб қўйилган кукунли аралашмалар бир хил қалинликда махсус қурилмада сепилди. Базальт композит арматураларни фақат юза қисмига ишлов берилганда, юқори келтирилган минерал компонентларнинг нисбатан юқори ўлчамларга эга бўлган дисперс фракцияларидан фойдаланилди. Чунки ушбу ҳолатларда юза қисмини қоплаган заррачалар ўлчамларига мос равишда ушбу юзага таъсир қилувчи иссиқлик оқимини тўса олиши лозим эди. Бунга эса ўз навбатида минерал заррачалар ўлчамларининг маълум бир оптимал қийматларида эришилди.

Ички модификациялаш (ИМ) усулида, базальт композит арматураларни ишлаб чиқариш технологик циклининг арматураларга асосий қаттиқликни ва механик мустаҳкамликни берувчи эпоксидли смола аралашмасига маҳаллий минерал хом ашёлар асосида тайёрланган юқори дисперсли таркиблардан оптимал нисбатларда қўшилган ҳолда, арматураларнинг намуналари олинди. Бунда минерал заррачаларининг нисбатан кичик (нано ва микрометрларда) ўлчамларидан фойдаланилди. Натижада, минералларнинг юқори дисперсли таркиблари эпоксидли смола билан аралашishi яхши бўлиши ҳисобига, хоссалардаги ўзгаришлар кутилган ижобий қийматга эга бўлди.

Комплекс модификациялаш (КМ) усулида юқорида ифодаланган ҳар иккала усул биргаликда қўлланилди. Базальт композит арматураларга ташқи ишлов берилди ҳамда ички модификацияланди. Базальт композит арматураларни модификацияга учратгандан сўнг, олинган намуналарни ишлов берилмаган арматураларга нисбатан қанчалик даражада термик бардошлилигини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди. Ўтказилган синовлар натижасида янги таркиблар билан ишлов берилган ва модификацияланган базальт композит арматура намуналарининг термик бардошлилик даражалари 300-350°C дан 500-550°C айрим намуналарда эса 600°C ҳароратга етди.

Синовлар натижалари қуйида келтирилган (1-расм).



1-расм. Базальт композит арматурларнинг термик бардошлилигини синаш натижалари.

1. Базальт композит арматура (назорат); 2. Ички модификацияланган базальт композит арматура; 3. Ташқи ишлов берилган базальт композит арматура; 4. Комплекс модификацияланган базальт композит арматура.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида, базальт тола асосида ишлаб чиқилган матонинг кетма-кетликдаги бир неча қаватлари орасига эпоксид смолали аралашма суртилган ва қурилган янги турдаги, геометрик шаклга эга бўлган панел материал намуналари олинди ва физик-механик ҳамда термик хоссаларини аниқлаш бўйича синовлар ўтказилди. Базальт панел материаллар ёнувчанлик хусусиятини намоён этганлиги учун термик бардошлилигини ошириш мақсадида, ушбу материални олиниш жараёнида эпоксидли аралашмани модификациялаш орқали янги таркибли намуналар олинди. Ушбу тажрибаларда модификаторлар сифатида графит ва волластонит минералларининг юқори дисперсли заррачаларидан фойдаланилди.

3-жадвал


Базальт панел материалларни термик таъсир кўрсатилгандаги масса ўзгаришлари қийматлари

намуна т/р	термик синовгача бўлган массаси, гр	термик синовдан кейинги массаси, гр	масса йўқотилиши, Δм	масса йўқотилиши, %
Модификацияланмаган базальт панел материаллари				
1.	5,9	4,8	1,1	15,6
2.	5,6	4,4	1,2	19,3
3.	5,7	4,6	1,1	16,8
Модификацияланган базальт панел материаллари				
4.	6,4	6,1	0,3	4,9
5.	6,6	6,2	0,4	6,1
6.	6,5	6,2	0,3	4,6

Ушбу тажрибалар натижаларидан маълум бўлдики, янги олинган базальт асосли панел материалларининг юқори дисперсли графит, волластонит каби минераллар асосидаги таркиблар билан ишлов берилганда, яъни модификациялаш йўли билан олинган намуналар юқори термик бардошлилик хоссаларини намоён қилди.

Навбатдаги тажрибаларда базальт арматураларни қурилиш материали таркибида хусусан бетон плиталар кўринишида қўллаш ва уларнинг термик таъсирларга бардошлилигини синаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу тажриба синовларида темир арматура, дастлабки базальт композит арматура ва модификацияланган базальт композит арматуралар асосида олинган бетон плиталар намуналари синалди. Шунингдек, кейинги босқич тадқиқотларида дастлабки ва модификацияланган базальт композит арматурали бетон плиталарнинг бевосита олов таъсири вақтида физик-механик хоссаларининг ўзгаришларини ўрганиш бўйича синовлар ўтказилди. Ўтказилган тажрибалар натижаларидан маълум бўлдики, базальт композит арматурали бетон плиталар бўйича термик тадқиқотлар

натижаларига кўра, модификацияланган базальт композит арматурали бетонлар натижалари ташқи термик таъсирларга бардошли эканлиги тасдиқланди. Яъни, ушбу модификациялаш орқали, базальт композит арматура ва улар асосидаги қурилиш материалларининг оловбардошлилигини оширишга эришиш мумкин. Тажрибалар натижалари модификациялаш учун ишлатилган юқори минерал таркибларнинг полимер композит қурилиш материалларининг хусусан, базальт композит арматураларнинг оловбардошлилигини оширишда самарали эканлиги тасдиқланди. Ушбу тажрибалар натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Базальт композит арматурали бетон плита бўйича термик синовлар натижалари.

1. Ишлов берилмаган базальт композит арматура; 2. Комплекс модификацияланган базальт композит арматура.

Синовларда олинган натижаларга кўра (2-расм) ишлов берилмаган оддий базальт композит арматураларнинг термик бардошлилиги 45 дақиқада 300°C ни ташкил этган бўлса, комплекс усулда модификацияланган базальт композит арматураларнинг термик бардошлилиги 50 дақиқада 400°Cдан ошди. Амалга оширилган синов тажрибалари натижалари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, маҳаллий хом ашёлар асосида олинган таркиблар билан базальт композит арматураларни юқорида келтирилган усуллар ёрдамида модификациялаш, ушбу материалларнинг термик таъсирларга бардошлилигини оширишга олиб келди ва шу билан бирга уларнинг физик-механик хоссаларини пасайиб кетишини олдини олиш имкониятини яратди. Ушбу тадқиқот натижалари келгусида базальт композит арматураларнинг термик ва оловбардошлик хоссаларини яхшилаш орқали, уларнинг қўлланиш соҳаларини янада кенгайтиришда катта амалий аҳамият касб этади. Хорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилган модификацияланган базальт композит арматуралар намуналарнинг таклиф этилаётган намуналар билан ўзаро таҳлилий таққослаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

**Таклиф этилаётган модификацияланган базальт композит
арматуралар намуналарининг мустаҳкамлик коэффициентини
ҳисоблаш натижалари**

Т/Р	Асосий хусусиятлар	Россия	Германия	Хитой	Таклиф этилаётган базальт асосли арматура
1.	Мустаҳкамлик	1,006	1,000	1,180	1, 100
2.	Қаттиқлик	1,306	1,213	1,148	1,396
3.	Эластиклик	1,663	1,268	1,102	1,393
4.	Эгилувчанлик	1,346	1,260	1,280	1,214
5.	Бетон намунасининг горизонтал таъсири	1,200	1,179	1,147	1,276
6.	Бетон намунасининг вертикал таъсири	1,180	1,115	1,280	1,307
7.	Сиқилишга бўлган таъсири	1,100	1,114	1,126	1,203
8.	Термикбардошлилик	260-330 ⁰ С	340 ⁰ С	440 ⁰ С	450-550 ⁰ С

Мазкур жадвалда хорижий давлатлар олимлари томонидан олиб борилган модификацияланган базальт композит арматуралар намуналарига нисбатан таклиф этилаётган янги таркибли базальт асосли арматураларнинг 8 та параметрга синов натижаларининг таҳлилий маълумотлари келтирилди. Модификацияланган базальт композит арматуралар намуналарининг синаш вақтида горизонтал жойлашган конструкция модели ҳолатига фақат қўшимча юкларни 5 марта оширишга эришилди. Горизонтал жойлашган конструкция моделига таъсир қилаётган динамик юк бир соатлик давомийликда яна бир марта оширилганда, конструкциянинг мустаҳкамлиги 1-3%га камайди. Бундай вазиятда қўшимча юк конструкция моделининг хусусий массасидан 4 марта орттирилганда, фаркланиш катталиги модификацияланган базальт композит материаллар намуналарининг амалда бугунги кунда жаҳонда кенг такомиллаштирилаётган арматураларга нисбатан 7-12% гача ўсишга эришилди. Бу тажриба натижалари, таклиф этилаётган янги модификацияланган базальт композит материаллар намуналарининг, термик, динамик таъсирларга бардошлилигини англатибгина қолмай, мустаҳкамлиги ҳам юқори эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Янги модификацияланган базальт композит материаллар асосий ёнғин-техник хоссаларини тадқиқ қилиш» номли учинчи бобида маҳаллий хом ашёлар, кремний (IV) оксиди, микрокремнезём, аэросиль-380, графит, волластонит ва вермикулит минераллари асосидаги янги таркиблар билан базальт композит материалларни модификациялаш орқали уларнинг оловбардошлигини ошириш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тажрибалар давомида базальт композит материалларнинг модификацияланган намуналари олинди ва кейинги босқич тажрибаларда ушбу

модификацияланган базальт композит материалларнинг асосий ёнғин-техник хоссалари тадқиқ қилинди. Синалган намуналарнинг ёнғин-техник кўрсаткичлари қуйида келтирилган (5-6-жадвал):

5-жадвал

Модификацияланган базальт композит арматураларнинг асосий ёнғин-техник хоссалари

Маҳсулот тури	Оловнинг тарқалиш тезлиги	Тутун хосил қилиш даражаси	Ёнувчанлик гуруҳи	Алангаланиш гуруҳи
БКА	АТ ₂ (кучсиз аланга тарқалувчи)	Т ₃ (юқори туташ қобилятига эга бўлган)	Ё ₂ (мўтадил ёнувчан)	А ₂ (мўтадил алангаланувчан)
ИМ-БКА	АТ ₂ (кучсиз аланга тарқалувчи)	Т ₂ (мўтадил туташ қобилятига эга)	Ё ₁ (кучсиз ёнувчан)	А ₁ (қийин алангаланувчан)
ТИБ-БКА	АТ ₁ (аланга тарқатмайдиган)	Т ₂ (мўтадил туташ қобилятига эга бўлган)	Ё ₁ (кучсиз ёнувчан)	А ₁ (қийин алангаланувчан)
КМ-БКА	АТ ₁ (аланга тарқатмайдиган)	Т ₁ (оз туташ қобилятига эга бўлган)	Ё ₁ (кучсиз ёнувчан)	А ₁ (қийин алангаланувчан)

Изоҳ: БКА – базальт композит арматура, ИМ-БКА – ички модификацияланган базальт композит арматура, ТИБ-БКА – ташқи ишлов берилган базальт композит арматура, КМ-БКА – комплекс модификацияланган базальт композит арматура.

6-жадвал

Модификацияланган базальт композит панелнинг асосий ёнғин-техник хоссалари

Танлаб олинган компонент лар	Оловнинг тарқалиш тезлиги	Тутун хосил қилиш даражаси	Ёнувчанлик гуруҳи	Алангаланиш гуруҳи
Графит + Воластонит + эпоксид смолали аралашма	АТ ₂ (кучсиз аланга тарқалувчи)	Т ₃ (юқори туташ қобилятига эга бўлган)	Ё ₂ (мўтадил ёнувчан)	А ₁ (қийин алангаланувчан)
Воластонит + Эпоксид смолали аралашма + Аэросиль 380	АТ ₂ (кучсиз аланга тарқалувчи)	Т ₂ (мўтадил туташ қобилятига эга бўлган)	Ё ₁ (кучсиз ёнувчан)	А ₂ (мўтадил алангаланувчан)
Графит + Эпоксид смолали аралашма + Аэросиль 380	АТ ₁ (аланга тарқатмайдиган)	Т ₂ (оз туташ қобилятига эга бўлган)	Ё ₁ (кучсиз ёнувчан)	А ₁ (қийин алангаланувчан)

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида, янги олинган базальт асосли материаллар (базальт композит арматура ва базальт панел материаллари) материалларининг тутун ҳосил қилиш хусусиятини ўрганиш, модда ва материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффиценти қийматини аниқлаш методикаси асосида ГОСТ 12.1.044-2018 талабларига мувофиқ текширилди. Тутун ҳосил қилиш коэффиценти – махсус лаборатория шароитида маълум миқдордаги каттиқ модда(материал)нинг термик оксидланиш деструкцияси ёки унга олов таъсир қилиш натижасида ажралиб чиқадиган тутуннинг оптик зичлигини тавсифловчи кўрсаткич асосида формула бўйича ҳисобланди. Ишлов берилган ва ишлов берилмаган базальт асосли материалларнинг тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, каттиқ моддалар ва материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш учун мўлжалланган стандарт усулдан фойдаланилди. Бунда синовлар чўғланиш режимида олиб борилди. Тутун ҳосил қилиш коэффиценти (D_m , $m^2 \cdot kg^{-1}$ да) қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$D_m = \frac{V_n}{l_m} \ln \frac{T_0}{T_{min}}$$

Бунда: V – ўлчаш камерасининг ҳажми, m^3 ; L –тутунланиш йўлидаги ёруғлик нурининг узунлиги, метр; m – намунанинг оғирлиги, кг; T_0 ва T_{min} – мос равишда дастлабки ва минимал ёруғлик ўтказиш даражаси эканлигини намоён этади. Маҳаллий хомашёлар асосида олинган қийин ёнувчи базальт асосли материалларига, чўғланиш натижасида ҳосил бўладиган иссиқлик оқими таъсир қилингандаги, уларнинг тутун ҳосил бўлиш коэффиценти қийматини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар ҳар бир тур материалдан 3 та намуналарни синаш асосида олиб борилди ва ундан кейин олинган натижаларнинг ўртача арифметик қиймати ушбу материал учун тутун ҳосил қилиш коэффиценти деб қабул қилинди. Ишлов берилган базальт композит материаллар намуналарининг тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал

**Модификацияланган базальт композит материаллар
намуналарнинг тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш учун
ўтказилган тадқиқот натижалари**

Наму- нанинг т/р	Намуна оғирлиги, m (гр).		Ёруғлик ўтказувчанлик, %		Туташ нинг давомий лиги, (мин.)	Тутун ҳосил қилиш коэффици- енти, D _m , (м²/кг)
	Тажриба дан олдин	Тажриба- дан кейин	Бошлан- ғич, T ₀	Якуний T _{min}		
Модификацияланган базальт композит арматуралар						
1.	15,7	13,01	4,1	1,3	17	48,26
2.	15.4	11.19	4.7	1.1	16	47.32


3.	16,1	12,65	4,7	1,3	15	48,73
Ўртача қиймат						48,31
Модификацияланган базальт панел материаллар						
4.	3,1	2,07	4,2	1,3	13	43,21
5.	2,8	1,72	4,5	1,1	11	41,29
6.	2,9	1,73	4,6	1,2	12	42,11
Ўртача қиймат						42,20

Юқорида келтирилган, амалга оширилган синовлар натижаларидан (7-жадвал) маълум бўлдики, ГОСТ 12.1.044-2018 талабларига асосан, тадқиқ қилинаётган базальт композит материаллар намуналари кам тутун ҳосил қилиш хусусиятига эга эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, базальт композит материалларнинг ишлов берилмаган намуналарига нисбатан тадқиқотларимиз натижасида махсус ушбу изланишлар учун ишлаб чиқилган юқори дисперсли минерал заррачали таркиблар билан ишлов берилган, яъни модификацияланган намуналарнинг тутун ҳосил қилиш даражалари нисбатан кам қийматларни ташкил қилди. Мас равишда 151,47/143,61 ларга 48,31/42,20 қийматларни ташкил этди. Бу эса тутун ҳосил қилиш даражалари модификацияланган базальт композит материалларда 3 марта кам эканлигини билдиради.

Диссертациянинг «Оловбардош базальт композит арматураларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар» номли тўртинчи бобида оловбардош базальт арматураларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ҳозирги кунда республикаимизда фойдаланилаётган базальт композит арматураларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича қуйидаги жараёнлар амалга оширилади. Дастлаб, базальт толалар ўрамлар штабелидан базальт тола эпоксид смолалар аралашмага шимдирилади, кейинги босқичда базальт толалар тўхтовсиз равишда шакл берувчи фильерага етказилиб турилади ва ундан маълум диаметрли арматура шаклланади. Бу жараён тўхтовсиз давом этиб, маълум бир диаметрли шаклга эга бўлган арматура юқори ҳароратли камера орқали ўтказилади. Бунда эпоксид смолалар аралашма юқори ҳарорат сабабли тез полимерланишга учраши натижасида қотиб, мустаҳкам структура ҳосил қилади.

Амалга оширилган лаборатория синовлари ва ундан кейинги босқичдаги кичик саноат миқёсидаги синовлар натижалари асосида ҳозирги кунда мавжуд бўлган базальт композит арматураларни ишлаб чиқариш технологиясига қўшимча ускуна қўшиш орқали (3-расм) термик бардошлилиги юқори бўлган арматураларни олиш имконияти яратилди. Ушбу қўшимча агрегатлар, бу янги юқори дисперсли қўшимчаларни эпоксид смолаларга қўшиш ёки базальт композит арматуранинг дастлабки арматура шакли шакллантирилиб, қуритиш печига ўтказиш босқичидан олдин юзасига ишлов бериш имкониятини яратади. Бу орқали одатдаги термик бардошлилиги паст кўрсаткичга эга бўлган базальт композит арматуралардан юқори термик бардошлиликка эга бўлган базальт композит

арматураларни олиш имкониятига эга бўлинди. Шунингдек, ушбу янгиланган технология орқали олинган композит арматураларнинг очик оловнинг таъсирига чидамлилиқ даражаси ортди.



3-расм. Оловбардош базальт композит арматура ишлаб чиқариш технологик схемаси.

Бунда: 1- базальт толалар ўрамлари ўрама, 2- базальт толаларга эпоксид смолани аралашма шимдириш камераси, 3- базальт толаларни автоматик ўрама ҳаракат бериш узели. Базальт арматура тўлиқ шаклга эга бўлади. 4- Тоннель шаклидаги печ, 5-суви совитиш ваннаси, 6- тортиш қурилмаси, 7-Автоматик равишда кесил қурилмаси, 8-Автоматик ўраш қурилмаси.

Юқорида келтириб ўтилган тадқиқотлар натижасида, маҳаллий хом ашёлар хусусан, базальт толаси, эпоксид смолани аралашма ва бошқа тўлдирувчилар асосида термик бардошлилиги юқори бўлган композит материаллар олиш ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш ҳамда олинган композит материаллар учун мақбул шароитларни топиш, янги таркибли композит арматураларнинг ёнувчанлик даражаси, термик, физик-механик, зарба ва ишқаланиш таъсирларини тадқиқ қилиш асосида муҳим кўрсаткичлар бўйича тубдан яхшиланишга эришилди. Олинган композит арматурани коррозия, эррозия, емирилишга чидамлилиқ, буралиш, эгилиш, чўзилишга бўлган хусусиятлари, динамик характеристикаларини инструментал тадқиқ қилиш орқали, уларни қўлланилиш кўламининг кенгайтирилишига эришилди.

ХУЛОСА

“Маҳаллий хом ашёлар асосида базальт таркибли қурилиш материалларининг оловбардошлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кремний (IV) оксиди, микрокремнезём, аэросиль-380 бирикмалари, графит вермикулит ва волластонит минераллари асосида базальт композит

материалларнинг оловбардошлилиги, термик ва физик-механик хоссаларини яхшилаш хусусиятига эга янги таркиблар ишлаб чиқилишига эришилди.

2. Юзалари ишлов берилган ва модификацияланган базальт композит арматуралар намуналари кейинги босқич изланишларда термик бардошлиликни ўлчаш бўйича синовлар ўтказилди. Ўтказилган синовлар натижасида янги таркиблар билан ишлов берилган ва модификацияланган базальт композит арматура намуналарининг термик бардошлилик даражалари 300-350⁰С дан 500-550⁰С, айрим намуналарда эса 600⁰С ҳароратга етказилди.

3. Маҳаллий хом ашёлар юқори дисперсли кремний (IV) оксиди, микрокремнезём, аэросиль-380, волластонит ва вермикулит минераллари асосида янги таркиблар билан базальт композит арматураларни модификациялаш орқали уларнинг термик бардошлилигини ва очиқ олов таъсирига бардошлилигини оширишга эришилди. Модификацияланган янги таркибли базальт арматуралар намуналарининг термикбардошлилигини 20-25% га, мустаҳкамлигини 10-15% га, термик ва очиқ олов таъсирида деформацияланишга учраш вақтини 7-10 % гача ва юк кўтариш хусусияти 5-7% гача яхшиланишга эришилди.

4. Маҳаллий минерал хомашёлар асосида янги ишлаб чиқилган таркиблар асосий компонентларининг базальт композит арматураларнинг термик ва физик-механик хоссаларига таъсир механизмлари ҳамда улар асосида оловбардошлилигини оширишнинг оптимал шароитлари аниқланди. Янги ишлаб чиқилган оловбардош базальт композит арматуралар ташқи юзаларининг игнасимон структурага эга волластонит минераллари ҳамда вермикулит заррачаларининг ғовақдор структуралари ҳисобига бетон қоришмаси билан тишлашиш даражасини ошириш имконияти яратилди.

5. Базальт мато, эпоксид смолали аралашма ва маҳаллий минерал хомашёларнинг юқори дисперсли заррачалари асосида янги оловбардош базальт асосли панел материаллари ишлаб чиқилди ҳамда ёнғинга хавфсиз базальт композит арматураларни ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилди. Маҳаллий хомашёлар хусусан, базальт толаси, эпоксид смолали аралашма ва бошқа тўлдирувчи материаллар асосида термик бардошлилиги юқори бўлган композит материаллар олиш ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш ҳамда олинган композит материалларнинг мақбул шароитларини топиш, янги таркибли композит арматураларнинг ёнувчанлик даражаси, термик, физик-механик, зарба ва ишқаланиш таъсирларини тадқиқ қилиш асосида муҳим параметрларни тубдан яхшиланишига эришилди.

6. Янги олинган оловбардош композит арматурани коррозия, эрозия, емирилишга чидамлилик, буралиш, эгилиш, чўзилишга бўлган хусусиятлари, динамик характеристикаларини инструментал тадқиқ қилиш орқали, композит арматураларнинг мустаҳкамлик хусусияти яхшиланиши эвазига, саноат миқёсида ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РНД.40/30.12.2020.Т.129.01 ПРИ АКАДЕМИИ
МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАЗАРОВА НАВБАХОР НАРЗУЛЛОЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ПОВЫШЕНИЯ
ОГНЕСТОЙКОСТИ БАЗАЛЬТОСОДЕРЖАЩИХ СТРОИТЕЛЬНЫХ
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

**05.10.02-Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Специальность по пожарной,
промышленной, ядерной и радиационной безопасности**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РНД) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером V2022.1.PhD/T2165.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)), размещен на веб-странице научного совета (www.fvvakademiya.uz) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Курбанбаев Шухрат Эргашевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нуркулов Файзулла Нурмунинович
доктор технических наук, профессор

Собиров Эркабой Эркинбаевич
(PhD) по техническим наукам, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится “___” _____ 2022 в ____ часов на заседании научного совета Phd.40/30.12.2020.t.129.01 при Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан. (Адрес: 100102, г. Ташкент, Янги хаётский район, ул. Дустлик, дом 5. Тел.:(99871) 258-35-33; E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан (№ ____ - раками билан рўйхатга олинган). (Адрес: 100102, г. Ташкент, Янги хаётский район, ул. Дустлик, дом 5. Тел.:(99871) 258-35-33; E-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.

(Протокол реестра рассылки за № ____ от _____ 2022 года).

Б.Т.Ибрагимов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
технических наук, профессор

Х.М.Дусматов

Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
химических наук, доцент

Р.И.Исмаилов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире применение нового типа композитных строительных материалов при строительстве безопасных зданий и сооружений, обладающих комплексным инновационным решением, занимает одну из ведущих позиций. "В среднем 7-8 миллионов пожаров в год в мире происходят по вине пожаров, а число погибших от пожаров составляет 85-90 тысяч человек, а объем экономического ущерба – более 90 млрд. долларов США" обуславливает необходимость внедрения в практику эффективного использования противопожарных строительных материалов в целях дальнейшего повышения эффективности обеспечения пожарной безопасности строящихся зданий и сооружений, в частности в жилых районах. В связи с этим важное практическое значение имеет расширение сферы применения новых видов композитных строительных материалов, которые отличаются высокой прочностью, безвредны для здоровья человека и окружающей среды, относительно легки, пожаробезопасны.

Во всем мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на обеспечение прочности, безопасности и надежности зданий и сооружений на основе новых современных композитных строительных материалов. В связи с этим важную практическую роль играет усиление конструкций зданий и сооружений на основе базальтовых и стеклопластиковых композиционных материалов, повышение их прочности и надежности. Сегодня особое значение придается изучению свойств базальтовых композиционных материалов, исследованию, моделированию физико-механических свойств конструкций, на которых они основаны, повышению их прочности, ударной вязкости, сцепляемости, воспламеняемости.

В нашей республике реализуются комплексные меры по разработке новых конструктивных решений для эффективного использования энергоэффективных и ресурсосберегающих технологий в строительной отрасли, внедрению новых инновационных строительных материалов на основе местного сырья, упрощению конструкций, обеспечению надежности зданий и сооружений, а также определенных результаты достигнуты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности "... реализация целевых программ по развитию и модернизации строительства, автомобильного транспорта, инженерных коммуникаций и социальной инфраструктуры....", в стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы были поставлены важные задачи, в том числе "увеличение объема производства строительных материалов в 2 раза". При реализации этих задач, в частности, важное значение приобретает разработка практических рекомендаций по повышению горючести базальтосодержащих строительных материалов, исследование теплофизических и физико-механических свойств, совершенствование технологии производства базальтовых композиционных материалов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”, Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 мая 2019 года № ПП-4335 “О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов”, от 8 августа 2017 года № ПП-3182 “О приоритетных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов”, и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики П. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Проблемами исследования прочности, напряженности-деформируемости и огнестойкости строительных материалов на композитной основе занимались крупнейшие исследователи мира, в том числе К.У. Алиев, А.В. Васильченко, Ю.М. Вильдавский, Д.Д. Джигирис, Ю.О. Кустикова, Р.М. Курбанов, К.В. Михайлов, А.Дж. Рахмонов, Е.В. Степанова, К.А. Сарайкина, Н.П. Фролов, Р.А. Халикова, L. Bank, В.Б. Брик, Р. Фико, которые проделали значительную научную работу в этом направлении исследований и достигли определенного уровня научных результатов.

Из отечественных ученых К.С. Абдурашидов, А.И. Адилходжаев, Х.А. Акромов, Б.А. Аскаров, П.Т. Мирзаев, С.А. Нишанходжаев, Б.Т. Ибрагимов, Ш.Э. Курбанбаев, С.С. Шаумаров, А.А. Ашрапов, С.Р. Раззаков, А.А. Ходжаев, В.Ф. Усмонов, С.А. Холмирзаев, Ш.Умаров и др. провели исследования по повышению прочности, жесткости, трещиностойкости и термостойкости композитно армированных гибких балок и разные годы на основе своих исследований получили важные теоретические и практические результаты.

На основе результатов научных исследований большинства этих ученых Министерством строительства Республики Узбекистан разработан и внедрен в строительство нормативный документ по применению композитной полимерной арматуры в бетонных конструкциях под названием ШНК 2.03.14-18 «Бетонные конструкции с композитной полимерной арматурой».

